



BUXORO  
DAVLAT  
UNIVERSITETI  
1930

Ғ.Н.Қурбонов

МАХСУС ТАРИХИЙ ФАН –  
НУМИЗМАТИКАГА ОИД  
МАЪРУЗА МАТНЛАР

ГОЛИБ НЕГМАТОВИЧ ҚУРБОНОВ –  
таникли тарихчи олим, тарих фанлари номзоди, XIII  
Бутунжаҳон нумизматика конгресс қатнашчиси  
(Мадрид, 2003), Шарқ нумизматикаси бутунжаҳон  
ассоциацияси аъзоси.

Олимнинг тарихий тадқиқотлари Ўрта Осиё  
нумизматикаси, сфрагистикаси, эпиграфикасини  
үрганишга бағишиланган. Ҳозиргача олимнинг 12 та  
турли китоблари ҳамда 100 га яқин илмий ва  
оммабоп мақолалари чоп этилган (Ўзбекистон,  
Россия, Япония, Германия, АҚШ, Испания,  
Венгрия, Қозогистон, Хорватия). Халқаро илмий  
конгресс, конференция ва грантлар қатнашчиси.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Бухоро мероси”  
илмий тадқиқот маркази

Ғолиб Қурбонов

МАХСУС ТАРИХИЙ ФАН –  
НУМИЗМАТИКАГА ОИД МАЪРУЗА  
МАТНЛАРИ

“Дурдана” нашриёти  
Бухоро – 2016

63.2

К 94

Курбонов, Ф.

Махсус тарихий фан-нумизматика: маъруза матнлари /

Ф.Курбонов. - Бухоро : Садриддин Салим Бухорий, 2016. - 16 б.

ББК 63.2

Масъул мухаррир:  
Тарих фанлар доктори Тўраев Ҳ.Ҳ.

Тақризчилар:

“Бухоро мероси” илмий тадқиқот маркази  
директори, тарих фанлар доктори  
Альмеев Р.В.

Тарих фанлар номзоди, доцент  
Раупов С.С.

Мазкур тадқиқот “Бухоро вилоятида ёшларнинг маданий мерос соҳасидаги билимларини ошириши” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятиning бошқа институтларини қўллаб-кувватлаш жамоат фондининг гранти доирасида (2015-2016 йиллар) нашрга тайёрланди.

Мазкур марзуза матни БухДУ Ижтимоий-иқтисодий факультети Илмий кенгашининг 2016 йил 29 август 1 -сонли баённомаси билан чоп этишига тавсия этилган.

ISBN 978-9943-4710-8-5

BUXORO MUFASSIR  
TEKNOLOGIYA INSTITUTI

ARM

REESTR № а/71  
2016 у

## Кириш

Нумизматика – тарихий тадқиқотларнинг маҳсус йўналиши бўлиб, археология ва тарих фанлари ўргасида алоҳида ўрин эгаллайди. Археология асосан ашёвий буюмлар билан иш олиб борса, тарих эса – ёзма манбаларга таянади. Нумизматика биринчи галда ўзида ёзма ва моддий манбаларнинг белгиларини мужассамлаштирган ёдгорликлар – тангаларга таянади.

Нумизматика – пул ўлчовлари, тангалар тизими, давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишига тангаларнинг таъсири, пул муомаласи ва истеъмол бозори билан ўзаро алоқаси; танга ишлаб чиқариш ва техникаси, тангалар хукукини шакллантириш ва унинг эволюцияси, пул ислоҳотлари, хазиналар ташкил топиши жараёни ва уларнинг сабабларини ўрганади.

Нумизматиканинг асосий манбалари – тангалар хазинаси ва алоҳида тангалар, танга ишлаб чиқариш қуроллари ва уларни ўлчашда ишлатилган тошлардан иборат.

Пул муомаласи ва уни ишлаб чиқаришга доир нумизматик тадқиқотларнинг энг муҳими йилнома ва ёзма ҳужжатлардаги маълумотлар бўлиб, улар археология, этнография, генеалогия, геральдика, сфрагистика, палеология, санъатшунослик, сиёсий иқтисод тарихий география ва тарихий манбаларда кўрсатилган.

Замонавий нумизматика услуби асосан ҳар хил давр ва давлатларда тамға ва танга ишлаб чиқариш техникасини таққослашда компоратив принципга асосланиб, тангалардаги ўхшаш саналарни стратиграфик ва дендрохронология ёрдамида археологик маълумотлар билан таққослаб, пул муомаласи, тўлов ва жамғармалар кўрсатилган ёзма манбаларга таянади. Қимматбаҳо металдан тайёрланган Антик давр, Ўрта Осиё ва Янги давр тангалар чегара билмай, давлат худудидаги барча бозорларда муомалада бўлган. Айнан шунинг учун нумизматик топография ҳар хил пулларнинг муомалада бўлиши, нафакат ички балки халқаро савдо-сотик, маданий ва сиёсий алоқалар, уларнинг пайдо бўлиш санаси, гуллаб яшнаши хронологиясини тасвирилашда кўмаклашади.

Бугунги кунда талабалар нумизматикани ўкув фани сифатида ўрганишлар учун ўкув материаллари етарли дарадажа мавжуд эмас. Мазкур ўкув методик қўлланма –Ўзбекистонда илк ва ўрта асрлар даврида нумизматика ва пул муомаласи

тўғрисидаги бошлангич систематик билим беришга мўлжалланган.

Маъруза матнлар маърузавий ва амалий ўкув курслари дастурларидан иборат. Асосий қисмини ўкув материаллари ташкил этади. Маъруза матнларида мавзулар “Ўзбекистонда илк ва ўрта асрлар даврида нумизматика (V-XI а.)” курси ўкув дастурига мувоғик олий ўкув юритидаги тарих йўналишида таҳсил олаётган бакалавр талабаларга мўлжалланган. Ушбу дастурдаги мавзулар ўзаро мантиқий боғлиқ бўлиб, бирини ўзлаштиrmай, бошқасига ўтмаслик лозим. Ҳар бир мавзу охирида ўзлаштирилган билимларни текшириш учун саволлар берилган.

Ўкув услубий мажмуя охирида назорат тест саволлари, рефератлар мавзулари, ўзлаштирилган сўзлар луғати берилган.

Ўкув услубий мажмууда берилган мавзулар талабалар томонидан кетма-кетлик билан ўзлаштирилса, ўкув курсини муваффакиятли тутатишда ва олган билимларидан фойдаланиб, курс ва диплом иши ёзишда ёрдам беради.

Тарих архившунослик таълим йўналишлари талабалари учун маҳсус тарихий фанлар асослари фанидан ёрдамчи.



Av



Rv

Бухоро давлат музей-кўрикхонасида сақланаётган Юонон-Бактрия тангалари хазинасидан Евтидем подшохнинг тетрадрахма тангалари

#### *Курс мақсади ва вазифалари*

Курс мақсади – Ўзбекистонда илк ва ўрта асрлар даврида пул тизими тарихи ҳакидаги билимларни мажмуи тарихий нумизматик шакллантириш, пул муомаласи конуни ва хуқуқларини ўрганиш, нумизматик манбаларнинг маданий-иктисодий мажмуудаги ўрни ва роли.

#### **Курс вазифалари:**

- Тарихий тизимда “Ўзбекистонда илк ва ўрта асрлар даврида нумизматика” курси роли ва ўрнини кўрсатиш;
- Пул ўлчов ва танга тизими ўсиши асосини, давлатларнинг ривожланиши жараёни давомида сиёсий-иктисодий, маданий алоқаларнинг таъсирини аниқлаш;
- Танга хукуқининг ривожланиши, танга ишлаб чиқариш техникаси ва уни ташкил қилишнинг асосий турларини таҳлил қилиш;
- Хазина ташкил топишига таъсир этувчи асосий пул ислоҳоти ва омилларни кўриб чиқиш;
- Талабаларни нумизматик манбаларнинг асосий услугубий тадқиқотларидан фойдаланишга ўргатиш.

#### **Илк ўрта асрлар даврида Ўзбекистон тангалари (V-VIII а.)**

##### **РЕЖА:**

1. Мавзу тарихшунослиги
2. Бухорхудотлар тангалари
3. Самарқанд тангалари

Ўрта Осиёда илк ўрта асрлар даври тангалари унчалик яхши ўрганилмаган. Ўрта Осиё вилоятларида илк ўрта асрлар тангаларининг зарб этила бошланиши 5 асрнинг иккинчи ярми - б асрнинг бошларига оидdir. Ўрта Осиёда илк ўрта асрлар даври тангаларининг зарб этилиши милодий 8 асрда тутайди.

Илк ўрта асрлар даврида Ўрта Осиёда асосан кумуш тангалар (Хоразмдан бошка барча вилоятларда бу сосонийлар драхмалари ёки уларга таҳлидан зарб этилган тангалардир) муомалада бўлган.

##### **Сўғд**

Сўғдда асосан кумуш ва мисдан, кейинчалик бронздан зарб этилган тангалар муомалада бўлган. Бронза тангалардан асосан бозорда ҳар кунги савдо ишларида кенг фойдаланилган. Ушбу тангаларнинг олд қисмida ўз шаҳарларининг ҳомийси бўлган худо ва мъбудалар тасвири туширилган. Баъзи вакътларда тангаларда шаҳар қаҳрамонлари ёки афсонавий ҳайвонлар тасвири ҳам туширилган. ҳайвонлардан асосан: туя, от ва кийик тасвирлари кўп учрайди. Бу тасвирлар нафакат тангаларда балки мўхр ва боша нарсаларга туширилган.

Бу даврда Жанубий Сўғдда ҳам пул муомаласи ривожланади. 4 асрда Нахшобда зарб этилган мис тангаларнинг олд томонида хукмдор тасвири, терс томонида эса одам ва шер курашаётгандиги тасвири туширилган.

7 асрнинг ярмидан Сўғд ҳокимлари - ихшидлар ҳамда уларга тобе амлокдорлар тўрт бурчак тешикли, хеч бир тасвирсиз тангалар зарб қила бошлишади. Танганинг ўнгида курсив билан берилган Сўғд ёзуви хукмдорнинг исми ва унвонини билдиради. Танганинг терсида эса ҳар бир хукмдорнинг ўз сулоласига хос белги берилган. Бундай тангалар улардаги исм ва унвонлар ўзгартирилиб, Еттисувда (Иссиқўл атрофидаги худудлар, Суй водийси, Тароз ва Талос атрофлари) тургаш номли турк қабиласи, Сирдарё буйларида, Ўтрор, Чоч, Фаргона ва Бухоро воҳасида савдогарлар шаҳри бўлмиш Пойканда зарб этиларди. Бу тангалар 6 асрдан иккинчи Турк хоқонлиги тутатилганича зарб этилган. Энг сўнгти Сўғд тангалирида эрамизнинг 7 асиридан бошлаб Сўғд ёзувлари ҳам пайдо бўлишади.

### Бухоро

4 - 5 асрда зарб этилган Бухоро мис тангаларининг ўнгида тож кийган ҳоким бошининг нуқталар билан ўралган тасвири, терсида эса сосонийларнинг тангаларига хос оташпастлар меҳроби ёки тамға берилган. Оромий тилидаги ёзув хукмдорнинг исми ва унвони (масалан "Асбор шо") ифодалайди.

Илк ўрта асрларда Бухоро Сўғдидан Сосонийлар шохи Вараҳран (421-439) тангаларига тақлидан Сўғд тангалари зарб этилган. Бу тангалар фанга "бухорхудот тангалари" номи билан кирган. Бу тангаларнинг зарб қилина бошланиш санаси олимлар орасида катта келишмовчиликларга сабаб бўлмоқда (баъзи олимлар бу тангаларнинг 5 асрда, баъзилари эса 7 асрдан зарб этилганини таъқидлайдилар). Биринчилар Вараҳран Унинг 421-439 яшаганлигини ҳисобга олиб ва тангалардаги ёзувларни дикқат билан ўрганмаганлиги туфайли бу тангаларни айнан 5 асрга оид деб таъқидлайдилар. Иккинчилар Наршахий берган маълумотларга асосланиб бу тангаларнинг 7 асрда зарб этилганини таъқидлайдилар. Тангаларда туширилган тасвиirlар бир-биридан кескин фарқ килади. Уларнинг кийиниш, соchlari бир-биридан фарқ килади. Тангаларни аниқлашга хизмат киладиган ёзувлар тангаларнинг терс томонида зарб этилган. Бу тангаларда ўзига хос нишонлар ҳам зарб этилган. Улар

тангаларни аниқлашда катта аҳамиятта эгадир. Кумуш драхмаларининг ўнгида бошида жимжимадор тожли, сосонийлар шаханшохиниг ён томондан олинган тасвири туширилган. Тангалардаги ёзув Сўғд хатининг Бухоро шакли бўлиб, "Бухоро шоҳи" маъносини англатади. Бир тарафида нортуга - бу "Авесто"да келтирилган уруш маъбути Веретрагна бўлса керак - тасвири берилган мис тангалар ҳам кенг жорий этилганди.

### Самарқанд

Милодий 4 асрда Самарқанд Сўғдидан наизачи тасвири туширилган кўпгина майда кумуш тангалар ишлатилган. Бу тангаларни зарб этиш милодий 5 асрнинг охiri ва 6 асрнинг бошларида тугайди. 5 асрнинг охiri 6 асрнинг бошларида Самарқанд Сўғдидан пул муомаласида кескин ўзгаришлар юз беради. Шу даврдан бошлаб пул муомаласига янги турдаги кумуш сосоний тангаси киритилади. Бу вазиятда эски наизачи тасвири туширилган тангаларнинг қадрсизланиши жараёни бошланади. Сўғдда 6 асрда пул муомаласида асосан сосонийлар шохи Пероз (Фируз) (439 - 484) тангалиридан ёки ўнга тақлидан зарб этилган тангалардан фойдаланилган.

7 асрдан бошлаб пул муомаласига Вараҳран V драхмалари кириб келади.

Бундан ташқари Сўғдда 7 асрнинг охiri ва 8 асрда Тан империяси тангаларига тақлидан тангалар зарб этилган.

### Чоч

Илк ўрта асрлар даврида Чочда кумуш дирҳамлар ҳам зарб этилган. Бу тангалар бухорхудот тангалари турига киради. Бундан ташқари бу даврда олд томонида хукмдор тасвири туширилган мис тангалар ҳам зарб этилган.

Бу вилоятнинг турили жойларида зарб этилган тангалар ғоят хилма - хилдир. Кўпинча тангаларнинг ўнгида тик бокувчи ёхуд юзини хиёл четга буриб турган хукмдор ёки шоҳ ва маликанинг сиймоларини кўриш мумкин. Аксарият ҳолларда бу тасвиirlар аниқ бир шахснинг портрет белгиларидан холи бўлади ва умумийлашган, баъзан ҳатто схематик образ тарзда ифодаланади. Тангаларда йиркич ҳайвои, от ва тую тасвиirlари ҳам тез - тез учраб туради. Бу жониворлар хукмдор ургунинг хомий тотемлари бўлган. Тангаларнинг терси бир хил - ўргада тамға, унинг атрофида хукмдорнинг, унвони ҳамда мулк номи Сўғд ёзувида берилган.

Кабарна мулкнинг тангларидаги иконография биз юқорида эслатиб ўтган даврдан тушиб қолади. Бундай тангалардан бирининг сурати албомизда илова қилинган. Танганинг ўнгидаги бир бирига тескари қараб турган ҳайвонларнинг каллалари билан безалган таҳт устида чордона куриб ўтирган хукмдорнинг тасвири бор. Ҳукмдор ўзи тўғри ўтираса-да юзи четга бурилган. Унинг ўнг кўли "худо ярлакасин" мақомида кўтарилиган чап кўли эса калта қилич дастасидан маҳкам тутиб турибти. Бошининг чап томонида илоҳий-фазовий рамз маъносидаги юлдуз ва ярим ой тасвири берилган. Мазкур тангадаги илоҳий ҳамда дунёвий рамзларнинг муштараклиги балки теократизм- яъни бир одам қўлида қўшалоқ вазифа ҳам коҳинлик ҳам шоҳлик жамланганинг ифодаси бўлса ажаб эмас.

### **Хоразм**

4 асрда Хоразмда кумуш тангаларни зарб этиш туттилди. Бу даврдан фақаттинга мис тангалар зарб этилган. Бу даврда Хоразмда пул муомаласи тушкунликка юз тутган. Фақаттинга 7 асрда келиб пул муомаласи ривожлана бошлайди. 7 асрда зарб этилган тангалар сосонийлар тангаларига таҳлидан эмас балки ўз тури буйича зарб этилган. Эрамизнинг биринчи асида қолипга тушган иконографик схема: танганинг ўнгига ҳукмдор, терсида от мингандан шоҳ тасвири илик ўрта асрлар даврида ўзгармай қолган.

### **Истравшон**

Қадимда ҳозирги Тоҷикистон ва Ўзбекистон Жиззах вилоятинида жойлашган бу кичик ўлка ҳокимлари эрамизнинг 7 аср иккинчи ярмида ва 8 асрнинг биринчи ярмида ўз мис тангаларини зарб қилишарди. Бу тангаларнинг ўнгидаги сосонийлар тангаларига тақлидан бошига қанотли чамбар кийган ҳокимнинг тасвири берилган. Ҳоким Сатагари тангаларида бунинг ўрнига бутпарастларнинг донишмандлик рамзи бўлмиш фил тасвири берилган.


### **Тоҳаристон**

Ҳозирги Шимолий Афғонистон, Ўзбекистон ва Тоҷикистоннинг жанубий туманларида жойлашган бу илик ўрта аср ўлкасида тангалар, хусусан, кумуш тангалар зарб қилиш Сосонийларнинг кучли таъсирини остида эди. Бу ерда сосонийларнинг турли - туман тангалари тарқалиши Пероз(Фируз) ва Ҳусрав I Ануширвонларнинг маҳаллий тангалари пайдо бўлишига олиб келади. Бу хил тангаларда киска - киска Бақтрия, баъзан Сўғд ёзувлардан иборат тамғалар, хилма - хил бош кийимлар кийган

хукмдорларнинг ён томонидан олинган миниатюра суратлари, хатто ҳайвонлар тасвиrlари диққатга сазовордир. Қадимда Сурхондарё ҳавзасида жойлашган Чагониён вилояти кумуш тангаларининг тамғалари анча мароқлидир. Уларни диққат билан тадқиқ этиш натижасида Чагониён Бақтрияга қарашли бўлиб, бу ерда Бақтрия ёзуви амалда кўлланилгани маълум бўлди. Бундан ташқари, эрамизнинг 6 - 7 асрларида ҳокимиёт бошида турган Чагониён ҳокимларининг бутун бир сулоласи аникланди.

### **Саволлар:**


- 1.7-8 асрларда Бухорода қайси тангалар муомалада бўлган?
2. Иҳишлар тангалари қайси металдан зарб этилган?
3. Fитриф пул ислоҳоти ҳақида нима биласиз?



Ўрта асрларда Бухорода танга  
метал қуймасини тайёрлаш услуби



Арқдаги зарбхонада танганинг  
зарб этиш жараёни



Бухоро амирилигидаги тангаларни зарб этиш учун  
ишлатиладиган мис пластинкалари

## Мавзу: VIII-X аср Мовароуннахр тангалари

РЕЖА:

1. *Мавзу тарихиунослиги*
2. *VII-VIII асрдаги Мовароуннахр тангалари*
3. *IX-X аср Ўзбекистон тангалари*

Марказий Осиёга араблар бостириб келиши натижасида танга кўриниши тубдан ўзгарди. Ўрта Осиё худудида зарб этилган илк тангалар олтин ва кумушдан бўлиб, қайси қабиласининг бошлиғи Хозим ўғли Абдулло томонидан Марвда хижрий 63 йилдан 73 йилгача (682 - 698 м.й.) зарб этилди. Халифа Абд ал - Малик хижрий 77 йилда (695 - 696 м.й.) пул муомаласи ислохотини ўтказиб, олтин - динор, кумуш - дирҳам, мис - фулусларни араб ёзувлари билан зарб эттириди. Танганинг юз ва терс томонларида тасвиirlар ўрнига араб ёзувлари айланади чизиклар бўйлаб, гоҳида нақшлар билан безатилган. Юз сатҳида ислом калимаси - "Оллоҳ бирдир, унинг ҳеч қандай шериги йўқдир, у ёғизидир" ёки "Оллоҳ учун мазкур дирҳам (динор, фулус) зарб этилди", сўнг шаҳар номи ва зарб этилиш санаси жойлаштирилган. Дастлабки араб тангаларининг терс томонида эса "Оллоҳ яккаю ягона, Оллоҳ умрбокий, туғмаган ва туғилмаган, унинг тенги йўқдир" каби Куръон оятлари ҳамда халифаларнинг, гоҳида нозирларнинг номи зикр этилган.

8 асрнинг 1-ярмида Сўғдда икки хил кумуш тангалар муомалада бўлган: 1.маҳаллий тангалар (Бухороҳудот тангалари); 2.четдан келтириладиган уммавийлар тангалари. 740 йилгача Бухороҳудот тангалари жуда кенг худудда (Бухоро, Пойқанд, Самаранд, Панжикент, Уструшона) тарқалган эди. Аммо улар 740 йилдан сўнг зарб этилган бухороҳудот тангаларига қараганда камдир (Бу эса ўз-ўзидан 740-йилгача зарб этилган бухороҳудот тангалари кам микдорда зарб этилганидан далолат беради). 740-йилгача тангаларнинг кам микдорда зарб этилиши араблар босқини натижасида юзага келган иқтисодий танглик ва 712 йилда араблар томонидан Самакранднинг забт этилиши оқибатида эди.

О.И.Смирнованинг таъқидлашича 740 йилдан бошлаб бухороҳудот тангаларининг янги турини зарб этиш бошланган (подшоҳ бошининг орасида ёзув: Мухаммад ал-Махди). Шундай килиб 8 асрда Мовароуннахрда асосан бухороҳудот тангалари муомалада эди.

8-аср охири - 9 асрнинг бошларида араб халифалиги хукумати Мовароуннахр ва Хуросонда юзага келган кескин вазиятни ҳисобга олиб бу вилоятларни бошқаришда маҳаллий сулолалар ёрдамидан фойдалана бошладилар. 8 асрнинг иккинчи ярмида Балхдан келиб чиқкан Бармакийлар сулоласи кучаяди (Навбаҳор буддавийлик ибодатхонаси коҳинасининг авлодлари). 794-795 йилларда Фадл ибн Яхҳе Хуросон ноibi этиб тайинланди. Аммо халифа Хорун ар-Рашид бу сулоланинг кучайишидан чўчиб, 803 йилда бу сулола вакилларига карши оммавий кирғинни бошлаб юборди. Кейинчалик, 9 аср бошларида Тоҳирийлар сулоласи ҳам кучайиб кетади. Тоҳирийлар бундан олдин Хирот вилояти таркибидаги Бушанг шаҳрининг ҳокимлари эди. Бу сулола вакилларидан бири Тоҳир ибн Хусайн 813 йилдан ал-Жазира вилоятининг ноibi этиб тайинланади. Тоҳир ибн Хусайн 821 йилдан Хуросон ва Мовароуннахр ноibi этиб тайинланади. 822 йилда унинг буйруги билан хутбадан халифа номи олиб ташланади, айнан шу йилда у вафот этади. Аммо Тоҳирийлар сулоласи давом этади, Халифа Маъмун Хуросон ноibi этиб унинг ўғли Талхани тайинлайди, унинг ўлимидан сўнг эса Тоҳирнинг яна бир ўғли Абдулла ибн Тоҳир (828-844) Хуросон ноibi этиб тайинланади. Тоҳирийлар хукмронлиги даврида Хуросон ва Мовароуннар мустакил давлатларга айланадилар. Тоҳирийлар сулоласининг сўнгти вакили Мухаммад ибн Тоҳир (862-873) 873 йилда янги саффорийлар сулоласининг вакили Ёқуб ибн Лайс томонидан таҳтдан ағдарилади. Саффорийлар сулоласининг номи "сафар" сўзидан олинган бўлиб унинг маъноси "мисгар"дир, чунончи Ёқуб ибн Лайс бундан олдин мисгарлик билан шуғулланган.

Тоҳирийлар ўз номидан зарб этган тангаларини икки босқичда зарб этганлар:

1)Тоҳир ибн Хусайн ва унинг ўғли Талха томонидан зарб этилган тангалар. Бу босқичда тангалар фақаттина кумуш ва мисдан зарб этилган.

2)Абдуллоҳ ибн Тоҳир зарб этган тангалар. Бу даврдан олтин тангалар ҳам зарб этила бошланди. Тоҳирийлар хукмронлиги остидаги худудларда энг машҳур танга зарбхоналари Шош вилоятидаги Мадинат аш-Шошда, Исфахонда, Балҳ ва Марвда жойлашган эди. Марв, Шош ва Самарқандда олтин динорлар зарб этилган. Сомонийлар сулоласининг асосчиси Сомон Балх, Самарқанд ёки Термиз

атрофларида туғилган эди. У ислом динини қабул қилиб Хуросон ноибининг ёрдамига таянган. Унинг набиралари - Нух, Амад, Яхё ва Илёс халифанинг хизматида эдилар. Халифа буйругига биноан улар 4 вилоят ноиблари этиб тайинланадилар: Нух-Самарқанд, Аҳмад-Фарғонада, Яхё- Шош ва Уструшонада, Илёс-Хиротда. Ақа-укалар орасида Нух катта аҳамиятга эга эди. Ташки алоқалар олиб борилган пайтда сулола номидан айнан Нух иш олиб борган. Сомонийларнинг дастлабки мис танглари айнан Нух томонидан зарб этилган. Нух вафот этганидан сўнг унинг укаси Аҳмад сулола бошлигига айланди. У хали хаёт пайтларидаёк Самарқандни ўз ўғли Насрга топширади. 864 йилда Аҳмад вафот этганидан сўнг айнан шу Наср сулола бошлигига айланади. 875 йилда халифа ўнга давлатни мустакил бошқариш тўғрисидаги ёрликни юборади.

Аммо Насрнинг давлати марказлашмаган эди. Баъзи вилоят бошликлари номигагина ўнга буйсўнгандар. Масалан, Шош вилоятида Насрнинг амакиси Муҳаммад ибн Нух хукмронлиги даврида Муҳаммад ўз жиянини сулола бошлиги деб тан олиб, унинг номидан мис танглар зарб этган. Аммо, Шош вилоятида Насрнинг укаси Ёкуб ноиблити бошланганида у Насрни тан олмасдан ўз номидан танглар зарб этган. Фарғонада эса Насрнинг укаси Асад хукмронлик килган. Асад ҳамда Наср биргаликда иттифоқ тузиб бошка кариндошларига қарши давлатни марказлаштириш учун кураш олиб борганлар. Аммо, шунга қарамасдан Асад Ахсикент (Фарона пойтахти) шахрида ўз номидан танглар зарб этган. У бу тангларда умуман Наср исмини эслатмайди. Бундан ташқари Наср яна бир укаси Исмоил билан ҳам яхши муносабатда эмас эди. 874 йилда у Бухоро ноиби этиб тайинланган эди. Исмоил Бухорода мустакам ўрнашиши учун барча ҳаракатларни ишга солди. Наршайхининг маълумотларига кўра Исмоил Бухоро вилоятида олинган даромадларнинг асосий қисмини (700 минг гитрифи дирҳами атрофида) Наср хазинасига, қолган қисмини эса (500 минг гитрифи дирҳами атрофида) ўзида сақлаган эди. Бухорода муким ўрнашиб олгач Исмоил Наср газнасига пулни ўзатмай ўзида қолдиради. Бунинг натижасида ақа-укалар ўргасида узокка чўзилган кураш бошланади. Биринчи тўқнашув 886 йилда бўлиб ўтган. Исмоил Наср газнасига пулни ўзатмади ва бунинг натижасида ноибликтан четлатилди. Иккинчи тўқнашув 888 йилда бўлиб ўтди ва Исмоилнинг ғалабаси билан

тугади. Исмоил Сомонийлар сулоласи бошлигига айланади. У Бухорони Сомонийлар давлатининг пойтахтига айлантиради.

Исмоил Сомоний марказлашган феодал давлат тузди. У давлатни марказлаштирганидан сўнг ташки душманга қарши курашиш чораларини кўрди. Бу даврда Исмоил Сомонийлар давлатининг кучайишидан анча хавфсираган халифа уларни яна бир кучли ёш давлат саффорийлар давлати билан тўқнаштиришга ҳаракат қилиши ҳамда кўчманчи қабилаларнинг доимий юришлари ташки сиёсатдаги асосий масалалардан эди. 898 йилда халифа Исмоилни Мовароуннар таҳтидан маҳрум этиб, Амр ибн Лайсни Хуросон билан бирга Мовароуннар устидан ҳам ҳукм юритиш ҳақидаги ёрлигини зълон қилди. Мазкур фармон тезда Амр ибн Лайсга жўнатилди. Бошқача айтганда, халифа Амр ибн Лайсни Исмоилга ҳарбий юришга гиж-гижлаган. Бу билан у нафакат Исмоилни йўқотиш пайида бўлган, балки Амр ибн Лайснинг ушбу ҳарбий юриш оқибатида заифлашиб олишига ҳам умидвор бўлган. Аммо халифа ҳамда унинг ютидан ва ўз нафси кетидан борган Амр ибн Лайснинг режалари амалга ошмади. 900 йилнинг баҳорида Балҳ атрофида юз берган жангда Амр ибн Лайс Исмоил томонидан мағлубиятга учратилади. Шу тариқа Хуросон ва Шимолий Эрон ҳам Исмоил тасарруфига ўтди. Араб халифалигига қарамликка барҳам берилди.

Бундан ташқари Исмоил Сомоний кўчманчиларга қарши ҳам муваффақиятли кураш олиб борган. Унинг кўчманчиларга қарши ҳарбий юришлари натижасида кўчманчи қабилалар бир неча ўн йилликларга Мовароуннарга бостириб киришини тўхтатдилар. Исмоил давлатчилигимиз тарихидаги 1600 йилдан ортиқ тажриба ва анъаналарни улдабуронлик ила давом эттира билган давлат арбоби хисобланади. У энг аввало, мамлакатимиз сиёсий бирлигини таъминлаш ишига бел боғлаб, Фарғона, Исғиҷоб, Шош, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Чагониён, Хутталон, Кеш, Хуросон, Сейистон, Газна каби катор вилоятларни ўз ҳукми остида бирлаштириди. Гарчи уларнинг ҳаммаси ҳам мутлақ равища тобелик йўлига кирмаган бўлсаларда, аммо курдатли марказий хокимият оби ҳавосини тан олишга мажбур бўлган эдилар. Демак, Исмоил марказлашган давлатчилик асосларини қайтадан тикишга муваффақ бўлган. Шундан сўнг у ана шу марказлашган давлат бошқарув тизимини жорий этишга киришди. Чунки эндиғина мустакилликни қайта тиклаган давлат учун қатъий тартиб доирасида фаолият

кўрсатувчи идорачилик зарур эди. Исмоил бу вазифани ҳам ҳал эта билди. Аммо илгарилари бошқа сулолалар тажрибасида кўрилганидек, Исмоил вафотидан сўнг (907 йил 25 ноябр) тахтга чиккан сомоний намояндалари (Ахмад, Наср II, Нуҳ II, Абдумалик, Мансур I, Нуҳ III, Мансур II) буюк аждодлари қолдирган меросни саклаб қолишга ожизлик килдилар. Масалан, Исмоилдан кейин тахтни эгаллаган Ахмад субутсизлик қилиб, араб тилини яна давлат тили даражасига кўтаради. Ваҳоланки, Исмоил даврида бу нарса йўқ қилинган эди.

Ахмаднинг бу каби бошқа ишлари ҳам бир бўлиб, охироқибатда ўнга сунқасд ўюштирилишига сабаб бўлган. Хуллас, 10 аср давомида сиёсий бошбошдоқлик авжига чикиб марказий ҳокимият мавкеига птур этади. "Дараҳтнинг бушини курт ейди" деганларидек, сомонийлар зарбининг пасайиши минтақанинг Еттисув ва Кошғар қисмида бошқа бир сиёсий сулола-қорахонийларнинг кучайиб бориши билан бир вақтга тўғри келган эди. Натижада, 10 аср охирида ҳокимият уларнинг кўлига ўтади. Корахонийлар минтақанинг Еттисув, Кошғар, Мовароуннар каби қисмлари устидан ҳукмронлик кила бошлайдилар. Хурросон, Ғазна каби вилоятлар эса худди шу даврдан бошлаб минтақада этишиб чиккан яна бир сиёсий сулола-ғазнавийлар тобелигига ўтган эди.

Сомонийлар давридаги пул муомаласининг ўзига хос томонлари бор. Муомалада олтин тангалар, исмоилий, муҳаммадий, ғитрифий, мусайиабий, хоразмий дирҳамлари бўлган. Шу ўринда Истахрийнинг куйидаги гувоҳлиги дикқатга лойиқ: "Самарқандда муомалада олтин (танга) ва исмоилий дирҳами юради. Яна бир пул бирлиги борки, уни муҳаммадий дейдилар. Ва Самарқанддан бошқа ҳеч ерда муомалада юрмайди". Бошқача айтганда, исмоилий дирҳами салтанат ва ҳалқаро миқёсдаги валюта ролини ўйнаган. Муҳаммадий, ғитрифий ва бошқалар эса маҳаллий аҳамият касб этган. Масалан, ғитрифий кумуш тангалари, асосан, Бухоро доирасида муомалада бўлган. Аввало, ўлка савдогарлари шу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан минтақа аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат килгандар. Шунинг учун ҳам савдо-сотик ғуркираб ўстган, кўплаб бозорлар бунёд этилган, бориб-бориб расталар, бозорларни маълум бир йўналишда ихтисослаштириш йўлига ўтилган, айникса, марказий шаҳарларда кўтарасига савдо кенг йўлга куйилган. Масалан, манбада шундай ёзилади:


"Мовароуннахрнинг (энг асосий) бозори, (хар қаердан) савдогарлар олиб келадиган жойи бу Самарқанддир. Мовароуннахрда (ишлаб чиқариладиган) аксар маҳсулотлар аввал Самарқандга олиб келинади, кейин эса бу ердан бошқа вилоятларга олиб кетилади". Худди шу каби таърифни Бухоро, Пойқанд, Бинкат, Хўжанд, Термиз, Ўрганч, Кат каби шаҳарларга нисбатан ҳам кўлласа бўлади. Савдо-сотикнинг бундай ривожланишига нафақат ишлаб чиқарышдаги, балки ички ва ташки савдони ташкил этишдаги ҳаракатларнинг таъсири ҳам катта эди. Шундай қилиб 999 йилда кудратли Сомонийлар давлати тутатилади.

### Саволлар:

1. Араб ҳалифалиги даврида қандай тангалар зарб этилган?
2. 8 асрда Мовароуннахрда қандай тангалар муомалада бўлган?
3. Сомонийлар давридаги пул муомаласи ҳақида нималар биласиз?



**Ҳукмронга намунавий тангаларни кўрсатиш**



**Сарроф дўкони**

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Илк ўрта асрлар даврида Ўзбекистон тангалари (V-VIII а.).....	5
VIII-X аср Мовароуннахр тангалари .....	10

**Фолиб Қурбонов**

## МАХСУС ТАРИХИЙ ФАН – НУМИЗМАТИКАГА ОИД МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

MUHARRIR:

G'.Murodov

TEXNIK MUHARRIR:

G.Samiyeva

MUSAHHIH:

A. Qalandarov

SAHIFALOVCHI:

M.Ortiqova

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original – maketdan bosishga ruxsat etildi: 22.09.2016. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset qog’ozи. Bosma tabog’и 1,0. Adadi 100. Buyurtma №3.

Buxoro Matbuot va axborot boshqarmasi  
“Durdona” nashriyoti: Buxoro shahri, M.Iqbol ko’chasi, 11-uy  
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.  
Buxoro shahri, M.Iqbol ko’chasi, 11-уй. Tel.: 0(365) 221-26-45